

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

205 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 31 октябрдаги ПҚ–2060-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ–4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 19 апрель,
12/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил
19 апрелдаги 12/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 7-банд қўйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банклар хизматлари учун тўловлар ундирилмайди.».

2. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Мижозларга ҳисобварақлар очиш ва ёпиш, шунингдек ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ҳамда уларни қайта ҳаракатга келтириш шу куннинг ўзидаёқ амалга оширилиб, Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига узатилади.».

3. 42-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 50-банддаги «хабарнома (маълумотнома)» деган сўзлар «хулоса» деган сўз билан алмаштирилсин.